

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI VAZIRLAR MAҲKAMACIНИНГ
ҚАРОРИ

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА



LexUZ шарҳи

Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини янада шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий бой ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек 2005 йил Ўзбекистон Республикасида «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф–2095-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссияси томонидан вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари ва жамғармалар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг иловада назарда тутилган тадбирлари тасдиқланган республика бюджетида ва маҳаллий бюджетларда молиялаштиришнинг аниқ манбалари, бажарувчилар маблағлари билан **2-иловага** мувофиқ таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий мақсадли вазифалари ва йўналишлари ҳисоблансин:

одамларда бебаҳо бойлик бўлган ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзини олиб бориш, ўз ҳаёт фаолиятини оқилона ташкил қилиш, зарарли одатлардан воз кечиш, соғлом бўлишга, жисмоний ва руҳий жиҳатдан уйғун камол топишга интилишга йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш;

оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлиғини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш;

аҳолининг, айниқса қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг гигиена соҳасидаги билимлари ва маданиятини ошириш, санитария ва шахсий гигиена қоидаларининг аҳамияти ҳамда уларга риоя этиш зарурлигини ёш авлод чуқур англаб етишида ота-оналар ва педагоглар ролини кучайтириш;

гиёҳвандликка, чекишга, юқумли касалликлар, шу жумладан сил касаллиги ва ВИЧ/ОИТС тарқалишига қарши кураш бўйича аниқ мақсадга қаратилган фаолиятни ташкил этиш;

пензионерлар ва ногиронлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга тиббий, санатория-курорт ва коммунал-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, кексаларнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини янада кучайтириш;

аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва

мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

атроф муҳитни муҳофаза қилишга, экология нормаларини татбиқ этишга, аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлашга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш;

аҳоли кенг қатламларининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишини, айниқса болаларни спортга жалб этишни фаоллаштириш, мусобақалар, оммавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларини ўтказишни ташкил этиш ишларини амалга ошириш;

соғлиқни сақлаш ходимларининг мураккаб ва масъулиятли меҳнатини моддий ҳамда маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, кўрсатилаётган тиббий хизматларнинг мураккаблиги даражаси ва сифатига қараб меҳнатга табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлашни жорий этиш юзасидан аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий қоидаларига мувофиқ 10 кун муддатда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқсинлар ва уларнинг бажарилишини таъминласинлар.

4. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 декабрдаги Ф-2095-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Республика комиссияси доирасида «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурининг асосий бўлимлари амалга оширилиши учун масъуллардан иборат бўлган **3-иловага** мувофиқ таркибда Кенгаш тузилсин.

5. «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилишини назорат қилишнинг қуйидаги тизими белгилансин:

Кенгаш ҳар ойда тўпланади ва «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурига киритилган аниқ тадбирлар бўйича бажариш учун масъулларнинг ҳисоботини эшитади;

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун **1** ва **3-иловаларга** мувофиқ масъуллар ҳар чоракда Республика комиссияси мажлисларида дастур бўлимларининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот берадилар;

Республика комиссияси (Ш.М. Мирзиёев) ҳар чорак якунлари бўйича ҳисобот даврдан кейинги ойнинг 5-кунигача Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этади.

Давлат дастури асосий бўлимларининг бажарилиши учун масъулларнинг ҳисоботларини тайёрлашда Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тегишли кўшимча ахборот тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун Республика комиссиясига киритади.

6. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, оммавий ахборот воситалари «Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг роли ва аҳамиятини кенг тушунтиришни, турли даражаларда дастурнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2005 йил 25 январь,
30-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2005 йил 25 январдаги
30-сон қарорига
1-ИЛОВА

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастури

Т/р	Тадбирнинг номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Харажатлар (млн сўм)	Маблағ билан таъминлаш манбалари	Тақдим этиладиган ҳужжатнинг шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа
I. Одамларда ўз соғлиғини сақлашга тўғри ва масъулиятли муносабатда бўлишга ва соғлом турмуш тарзи маданиятига йўналтирилган ҳаётий фалсафани шакллантириш (Бўлим учун масъул – Қосимов Р.С. Етакчи ташкилотлар – Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги)						
1.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» маърузаси қондаларининг аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилишини таъминлаш:</p> <p>«Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» методик тавсияларни ишлаб чиқиш ва тарқатишни таъминлаш;</p>	2005 йил I чорак	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Ўзтелерадио» компанияси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, Фан ва технологиялар маркази</p>	20,0	Бажарувчилар ва буюртмачилар маблағи	Жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш, «Сихат-саломатлик йили»да ўтказиладиган тадбирларнинг аҳамиятини бажарувчиларнинг қўшма қарори билан тасдиқланган мақсадли дастур асосида аҳолининг барча қатламлари ўртасида тарғиб қилиш ва тушунтириш.
	<p>Президент И.Каримовнинг «Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади» маърузасидаги ғоялар амалга оширилишини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзининг концептуал асосларини илмий тадқиқотларга, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва таълим беришга, жамият ҳаётига жорий этиш;</p> <p>узлуксиз таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт</p>	2005 йил ва доимо	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Фан ва технологиялар маркази, Фанлар академияси, Давлат ва жамият қурилиши академияси, «Маҳалла», «Соғлом авлод</p>	15,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолида, айниқса ўсиб келаётган авлодда саломатлик маданиятини, ўз соғлиғига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш ҳаётий фалсафасини шакллантириш.

	<p>тизимда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида халқнинг тарихий маданий меросига ва соғлом турмуш тарзи бўйича ҳозирги замонавий фан ютуқларига асосланган маданий анъаналарни, ноёб кадрлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган тушунтириш тадбирларини ташкил этиш; аҳоли кенг қатламлари, айниқса ёшлар ўртасида саломатлик қадрини, фаол узок умр кўришга эришиш ғояларини англашни чуқурлаштириш бўйича тарбиявий ва маърифий ишларни амалга оширишни таъминлаш.</p>		<p>учун», Ибн Сино, Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати</p>			
2.	<p>Соғлом турмуш тарзи фалсафаси бўйича халқнинг, Шарқнинг буюк мутафаккирларининг маънавий меросини чуқур ўрганиш ва аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида кенг оммалаштириш:</p>			10,0	Бажарувчилар ва буюртмачилар маблағи	Соғлиқни муҳофаза қилиш ва соғлом турмуш тарзи соҳасидаги халқ маънавий меросини ривожлантириш.
	<p>республика минтақаларида олимлар ва мутахассисларни жалб этган ҳолда танловлар, семинарлар, фестиваллар, спорт тадбирлари ўтказиш воситасида ўқув юртларида, маҳаллаларда, оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамиятда саломатлик маданиятини шакллантириш бўйича ўн кунликлар ташкил этиш;</p>	2005 йил жадвал бўйича	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ибн Сино, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	10,0		Профилактика тадбирлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан аҳолини кенг қамраб олиш.
	<p>фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳузурида</p>	2005 йил	<p>Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ибн Сино, «Маҳалла» жамғармалари,</p>	18,0		

	соғлом турмуш тарзини юритиш юзасидан малакали маслаҳат бериш бўйича «Ибн Сино— саломатлик маскани» маърифат марказларини ташкил этиш;		«Маънавият ва маърифат» маркази			
	замонавий тиббиёт ютуқлари ва Шарқ мутафаккирлари таълимоти асосида соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича буклетлар, плакатлар, кўргазмалар кўлланмалар чиқариш ва тарқатишни таъминлаш;	2005 йил	Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон миллий энциклопедияси	3,0		Соғлиқни муҳофаза қилиш шарт-шароитлари ва омилларини оддий тарзда тушунтиришга йўналтирилган ўқув кўлланмалари, буклетлар ва мақолалар.
	Бухоро шаҳрида Абу Али Ибн Сино таваллудининг 1025 йиллигига бағишланган республика халқаро илмий-амалий конференциясини ўтказиш;	2005 йил сентябрь	Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ибн Сино жамғармаси, халқаро ташкилотлар	7,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолининг тиббий ва гигиеник билимларини, саломатлик маданиятини ошириш.
	халқнинг маданий мероси манбаларидан маънавий ва жисмоний мусаффоликка, соғлиқни муҳофаза қилишга даъват этувчи афоризмлар ва цитаталарга шарҳлар билан оммабоп кўлланмалар нашр этиш.	2005 йил мобайнида	Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент Ислом университети, «Мовароуннаҳр» нашриёти	17,0	Бажарувчилар маблағи	Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.
3.	Мактаблар, лицейлар ва коллежларда соғлом турмуш тарзи фалсафасини кенг тарғиб қилиш: оилада тиббий маданиятни ошириш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ўсиб келатган авлодни жисмоний тарбиялаш учун шарт-шароитларни яхшилаш бўйича «Соғлом оила» тарбиявий-маърифий лойиҳасини амалга ошириш;	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар», «Маҳалла» жамғармалари, «Ойдин ҳаёт» маркази	80,0	Бажарувчилар, ЮНИСЕФ, ЮСАИД маблағи	Соғлом оила асосларини шакллантириш, жисмоний соғлом ва маънавий бой ўсиб келатган авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни яхшилаш.
	ўқувчилар, ота-оналар, педагоглар ва тарбиячилар учун «Шахсий гигиена ва санитария қоидалари»,	2005 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим	20,0	Бюджет маблағлари доирасида, донорлар ва	Аҳолининг санитария маданиятини ошириш.

	мактаб ўқувчилари учун «Саломатлик алифбоси» ва бошланғич синфлар ўқувчилари учун «Саломатлик дарслари» мавзуларидаги ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш; мактаблар, лицейлар ва коллежларнинг ўқув дастурларига болалар ва ўсмирларни гигиена бўйича тарбиялаш ҳамда соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича «Саломатлик асослари» ва «Валеология асослари» ўқув курси (факультатив курс)ни жорий этиш.		вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Ойдин ҳаёт» маркази		ҳомийлар маблағи	Болалар ва ўсмирларнинг санитария-гигиена соҳасидаги билимларини ошириш. Валеологик таълимнинг яхлит тизимини яратиш. Ўқувчиларнинг валеологик саводхонлигини шакллантириш.
4.	Аҳоли кенг оммаси учун соғлиқни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи, репродуктив саломатлик, гиёҳвандлик, алкоголизм, тамаки чекиш, жинсий алоқа орқали инфекция юқиши, ВИЧ/ОИТСнинг олдини олиш асосларини шакллантиришнинг муҳим масалалари бўйича кўргазмали қўлланмалар (видео ва радио роликлар, буклетлар, плакатлар, рисоалар, эслатмалар, мультимедиа воситалари) тайёрлаш;	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзтелерадио» компанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, «Оила», «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Соғлом авлод учун» жамғармаси	150,0	Ҳомийлар ва донорлар маблағи	Аҳолининг саломатлик маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзи асосларини шакллантириш.
5.	Оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзи тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб бориш: даврий махсус эшиттиришлар, хужжатли, бадиий ва телевизион фильмлар тайёрлаш; «Сиҳат-саломатлик-бебаҳо инъом», «Ибн	2005 йил мобайнида	«Ўзтелерадио» компанияси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, «Ўзбектеатр» бирлашмаси, «Маҳалла», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси	50,0	Бажарувчилар маблағи	Телевизион кўрсатувлар ва радио эшиттиришлар туркумлари, газета ва журналларда рукнлар.

Сино ўғитлари» руқнлари остида сахна асарлари яратиш;					
телевидение ва радиода соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга йўналтирилган «Соғлом бўлинг», «Фарзандлари соғлом юрт», «Захирадаги спортчи», «Соғлом бўлсам – полвон бўламан», «Маҳалламиз стадиони», «Умид юлдузлари» ва шу каби мавзулардаги соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга йўналтирилган кўрсатувлар туркумларини мунтазам равишда олиб бориш;	2005 йил мобайнида	«Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий уюшмаси, халқаро ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати	20,0	Бажарувчилар маблағи	Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларни профилактика қилиш ва камайтириш.
республика телевидениесида «Тўрт карра — йўқ!» (ОИТСга — йўл йўқ, гиёҳвандликка – йўл йўқ, алкоголизмга— йўл йўқ, тамаки чекишга — йўл йўқ!) ва «Тўрт карра — ҳа!» (соғлом турмуш тарзига— ҳа, жисмоний тарбия ва спортга — ҳа, соғлом ҳордикка — ҳа, соғлом экологияга — ҳа!) телемарафонини ташқил қилиш;	2005 йил I чорак		110,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолининг соғлом турмуш тарзи, зарарли одатларни йўқотиш ва ВИЧ/ОИТС ҳамда зарарли одатлар оқибатлари тўғрисида хабардорлигини ошириш.
оммавий ахборот воситаларида тамаки чекиш, алкоголь, наркотиклар истеъмол қилишнинг, ВИЧ/ОИТС ва жинсий алоқа орқали ўтадиган касалликларнинг олдини олиш масалаларини ёритиш; оммавий ахборот воситаларида «Спорт миллатни улуғлайди ва соғлиқни мустаҳкамлашга кўмаклашади» шиори остида мустақиллик йилларида спорт соҳасида эришилган	2005 йил мобайнида	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати	35,0	Бажарувчилар, ҳомийлар ва донорлар маблағи	Аҳоли турмушида жисмоний ва маънавий уйғунликнинг аҳамиятини ҳамда саломатликнинг ролини тарғиб қилиш.

	ютуқларни кенг ёритиш.					
	Интернетда соғлом турмуш тарзи, гигиена бўйича тезкор ва бошланғич ахборотлар, энг кўп тарқалган касалликлар, жинсий тарбия муаммолари, кизлар ва йигитларни камол топтиришнинг муаммоли масалалари ва шу кабилар тўғрисида маълумотнома ахборотлар олиш учун махсус сайт очиш.	2005 йил III чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Оила» маркази	60,0	Бажарувчилар, ҳомийлар ва донорлар маблағи	Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш
б.	Соғлом турмуш тарзига бағишланган танловлар ва фестиваллар ўтказиш: «Сиҳат—саломатлик йили», «Соғлом оила — соғлом авлод», «Сиҳат-саломатлик — келажак гарови» мавзуларида тасвирий санъат бўйича республика фототанловлари, кўриклари, танловлари ўтказиш;	2005 йил апрель ва ноябрь	Бадий академия, ҳокимликлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, Республика ногиронлар жамияти, «Янграг» халқаро мурувват жамғармаси	13,0	Бадий академия маблағи	Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларни эстетик тарбиялаш.
	таянч-ҳаракатланиш тизими патологияси мавжуд бўлган ногирон болалар ўртасида «Мафтункор бўёқлар олами» мавзуида 10-халқаро танлов ўтказиш;	2005 йил 2-ярим йиллиги	«Соғлом авлод учун» жамғармаси	20,0	Бажарувчилар, ҳомийлар ва донорлар маблағи	Ногирон болаларни саънатга жалб этиш, талантларни аниқлаш.
	сноуборд ва чанғи спорти бўйича «Чимён Эко 2005» ёшларнинг экотуристтик фестивалини ташкил этиш;	2005 йил февраль	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати	15,0	Бажарувчилар маблағи	Ёшларни спортнинг қишки турларига жалб этиш.
	«Вилоятимизни, шаҳримизни, туманимизни юксак санитария маданияти ўлкасига айлантирамиз» кўриктанловини ўтказиш.	2005 йил июнь	Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Маънавият-маърифат» марказлари, «Маҳалла», «ЭКОСАН» жамғармалари	90,0	Бажарувчилар маблағи	Соғлом турмуш тарзини шакллантириш, санитария-экология вазиятини яхшилаш.
	«Гиёҳвандликка қарши экстрим» мавзуида 3-ёшлар фестивалини ташкил этиш ва	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим	1,0	Ҳомийлар, донорлар маблағи	Фестиваль. Гиёҳвандликка

	Ўтказиш. «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди» шоу-концертларини ташкил этиш ва ўтказиш.		вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати	5,0		қарши курашни тарғиб қилиш.
7.	Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг 16 та маркази негизида 8 минг кишини қамраб оладиган санитария-гигиеник тарбиялаш ва шикастланганларга дастлабки ёрдам кўрсатиш бўйича курслар ташкил этиш.	2005 йил мобайнида	«Қизил Ярим ой жамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	80,0	Бажарувчилар, Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятлари, донорлар, ЮНИСЕФ, ЮСАИД маблағи	Ўқитиш дастури ва жадвали.
	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги камида 250 минг аёлни «Соғлом оила» дастури бўйича ўқитишни ташкил этиш.		«Қизил Ярим ой жамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси	25,0		Хотин-қизларнинг оила саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича билимларини ошириш.
	Республиканинг 6 та минтақасида ёшларга дўстлик хизматлари кўрсатишни ва «тенг-тенги билан» принципини жорий этиш бўйича семинар-тренинглар ўтказиш.	2005 йил III-IV чорақлар	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ойдин ҳаёт» маркази, «Оила ва болалар», «Ишонч ва ҳаёт», «Сабо» (Тошкент ш.), «Келажак» (Термиз ш.), «Аёл» (Самарқанд) нодавлат ноижорат ташкилотлари	29,5 минг АҚШ доллари	ОИТС, сил ва безгакка қарши курашиш бўйича Глобал жамғарма	Шоу-концертлар. Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш. 6 та вилоятда ёшлар учун дўстона хизматларни жорий этиш.
8.	Вилоятларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш бўйича «Соғлом турмуш тарзи ва турмуш маданияти», «Валеологик тарбиянинг илмий-амалий асослари» мавзуларида конференциялар ташкил этиш.	2005 йил II чорақ	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, «Экосан» жамғармаси	12,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолининг, айниқса ёшларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш.
9.	Маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш: маҳаллаларда	2005 йил	Хотин-қизлар кўмитаси, Хотин-қизлар кўмитаси	63,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолининг Аҳоли ва тараққиёт халқаро конференцияси, Пекин

	плакатлар танловлари, Аҳоли ва тараққиёт бўйича халқаро конференция, Пекин Конференцияси амалий дастурлари асосида аҳоли билан репродуктив саломатлик масалалари юзасидан учрашувлар ташкил этиш;		жамоат ташкилотлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ибн Сино, «Соғлом авлод учун» жамғармалари	4,0 минг АҚШ доллари	ЮНФПА	Конференцияси доирасида репродуктив саломатлик масалалари бўйича хабардорлигини ошириш.
	репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича ахборот материалларини ишлаб чиқиш ва эълон қилиш;			2,0 минг АҚШ доллари	ЮНФПА, бажарувчилар маблағи	Аҳолининг, айниқса ўсмирлар ва ёшларнинг репродуктив саломатлик ва ҳуқуқ масалалари бўйича тиббий маданиятини ошириш.
	фуқаролар йиғинлари диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиларининг аҳоли ўртасида ўзбек халқининг соғлом турмуш тарзи ва гигиена маданияти анъаналарини тарғиб қилишга доир фаолиятини фаоллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш.	2005 йил мобайнида	Дин ишлари бўйича қўмита, «Маҳалла» жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси	10,0	Бажарувчилар маблағи	Аҳолини диний таълим ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш чора-тадбирлари.
10.	Қуйидагиларга бағишланган ойликларни тайёрлаш ва ташкил этишни таъминлаш: Халқаро саломатлик куни; Халқаро чекишга қарши курашиш куни; Гиёҳвандликка қарши курашиш куни; ОИТСга қарши курашиш куни; Донор куни; Халқаро сил касаллигига қарши курашиш куни.	2005 йил ва доимо	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирликлар ва идоралар, «Ўзтелерадио» компанияси, Электрон ахборот воситалари миллий уюшмаси	36,0	Бажарувчилар маблағи	Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, касалликларнинг олдини олиш, зарарли одатларга қарши курашиш.
II. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилани соғломлаштириш (Бўлим учун масъул – Иномова С.Т. Етакчи ташкилот – Соғлиқни сақлаш вазирлиги)						

11.	Аёллар ва болаларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадли дастурини амалга оширишни давом эттириш.	2005 йил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	4704,04	Осиё тараққиёт банки кредитлари	Оналар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш
12.	Чақалоқлар ва болалар ўлимини янада камайтириш миллий дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.	2005 йил апрель	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси	10,0 минг АҚШ доллари	ЮНИСЕФ	Болаларга тиббий хизматлар кўрсатиш сифатини яхшилаш, чақалоқлар ва болалар касаллигини ва ўлимини камайтириш.
13.	2 ёшгача бўлган болаларни бошқариладиган юқумли касалликларга қарши, катта ёшдаги болалар ва катта ёшдагиларни буғма, кўкйўтал, қоқшол, кизамиқ, сил, ичтерлама, менингит, грипп, ўлат, кутуришга қарши эмлаш билан ҳар йили камида 90% қамраб олишни таъминлаш ва ўткир юқумли ичак касалликларига қарши фагирлаш.	Доимо ва эпидемия кўрсаткичлари бўйича	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	1000,0 71,0 минг АҚШ доллари	Бюджет маблағлари ҳисобига Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти	Болалар, ёшлар ва катта ёшдагиларни эмлаш ва фагирлаш, аҳоли ўртасида юқумли касалликларга чалинишни камайтириш.
14.	Туғма ривожланиш нуқсонлари бор болаларни тезкор даволашда ёрдам кўрсатиш.	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	18,0 минг АҚШ доллари	«Фриденсдорф Интернешнл» халқаро ташкилотининг гранти	Туғма ривожланиш нуқсонлари бор болаларга ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш.
	Туғма гипотиреоз, фенилкетурия билан касалланган болаларни шифобахш овқат ва препаратлар билан бепул таъминлаш.	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	453,4 минг АҚШ доллари	Бюджет маблағлари	Ирсий ва алмашувчи касалликлар ташҳисини яхшилаш.
15.	Скрининг марказларини: биоматериал олиш учун махсус фильтр қоғозли бланкалар билан; скрининг тадқиқотлари ўтказиш учун реактивлар билан таъминлаш.	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	57,2 минг АҚШ доллари 980,249 минг АҚШ доллари 301,0 минг АҚШ доллари	Бюджет маблағлари доирасида	Ирсий ва алмашувчи касалликлар ташҳисини яхшилаш.
16.	Хавф-хатарли гуруҳга кирадиган аёлларни кам учрайдиган юқумли касалликларни	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги,	31,95 минг АҚШ доллари	Бюджет маблағлари	Ирсий ва алмашувчи касалликлар ташҳисини яхшилаш.

	аниқлаш юзасидан скрининг текширувдан ўтказиш учун реактивлар ва сарфлаш материаллари билан таъминлаш.		Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари			
17.	Андижон, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Наманган вилоятлари марказий туман касалхоналарининг туғруқ бўлимларини тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш.	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	350,0 минг АҚШ доллари	ЮНФПА	Туманлардаги туғруқ бўлимларининг моддий-техника базасини яхшилаш.
18.	Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги туғруқхона комплексини реконструкция қилиш.	2005 йил	Хоразм вилояти Боғот тумани ҳокимлиги	200,0	Туман ҳокимлиги маблағи	Моддий-техник база-ни мустаҳкамлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш.
19.	Навоий кон-металлургия комбинатининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасаларини замонавий даволаш-ташхис анжомлари билан жиҳозлаш.	2005 йил	Навоий кон-металлургия комбинати	200,0	Ўз маблағлари	Касалликларни барвақт аниқлаш ва малакали даволаш.
20.	Камида 200 минг болани, шу жумладан кам таъминланган оилаларнинг болаларини, ногирон болаларни касаба уюшмалари тизими, корхоналар ва идораларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида соғломлаштириш.	2005 йил мобайнида	Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, жамғармалар ва жамоат ташкилотлари	6770,0: шу жумладан кон-металлургия комбинатининг маблағи 770,0	Бажарувчилар маблағи	Бажарувчилар тadbирлари. Куз-киш даврида болаларнинг камида 15 фоизини соғломлаштириш.
21.	Зарур тиббий даволаш-профилактика препаратлари сотиб олган ҳолда ёзги соғломлаштириш мавсуми мобайнида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг 12 та соғломлаштириш оромгоҳлари ишини ташкил этиш. Уларда 12 мингдан зиёд, шу жумладан Оролбўйи зонасидан – камида 400 болани соғломлаштириш.	2005 йил май-август	Акциядорлик компаниялари, корхоналар ва ташкилотлар, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси	60,0	Бажарувчилар маблағлари	Болаларни соғломлаштириш.
22.	Фаолият кўрсатаётган 8 та ўқув-ишлаб чиқариш марказини Оилавий	2005 йил	«Болалар» жамғармаси, Қорақалпоғистон	52,0	Бажарувчилар маблағлари ва	Оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

	тарбия ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларига айлантириш ҳамда муаммоли болалари бўлган аёллар учун қўшимча 4 та марказ ташкил этиш.		Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари		ЮНИСЕФнинг техник ёрдами	
23.	«Саломатлик» поездини ташкил этиш ҳамда узоқ туманларда яшовчи аҳолини бир йилда камида 2 марта комплекс тиббий кўриқдан ўтказиш.	2005 йил	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, «Соғлом авлод учун», «ЭКОСАН» жамғармалари	300,0: 50,0 50,0 200,0	Бажарувчилар маблағи	Диспансер кузатуви билан қамраб олишни кенгайтириш, касалликларни барвақт аниқлаш ва беморларни ўз вақтида даволаш.
24.	Туғруққа ёрдам кўрсатиш муассасаларида тургун ҳолда даволанаётган, анемия билан касалланган ҳомиладор аёлларни темир моддаси мавжуд препаратлар билан ҳар йили 100 фоиз таъминлашни амалга ошириш.	2005 йил	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	800,0	«Соғлом авлод учун» жамғармаси маблағи, жалб этиладиган гуманитар дастурлар доирасида	Темир моддаси етишмаслиги ҳолатларининг олдини олиш. Тиббий хизматлар сифатини, туғруққа ёрдам беришни ва болалиқни яхшилаш.
25.	Фертил ёшдаги аёлларни контрацептив воситалар билан таъминлаш.	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	113,0	Бюджет маблағлари доирасида	Хоҳланмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, оналар ва чақалоқлар касаллиги ва ўлимини камайтириш.
26.	Репродуктив саломатликнинг долзарб масалалари бўйича кўргазмали қўлланмаларни тайёрлаш ва жорий этиш.	2005 йил мобайнида	Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, «Ойдин ҳаёт» маркази	10,0 минг АҚШ доллари	Ҳомийлар ва донорлар маблағи	Аҳолининг репродуктив саломатлик масалалари бўйича хабардорлигини ошириш.
III. Кексаларнинг соғлом ва муносиб турмуш кечириши, пенсионерлар, ногиронлар ва алоҳида парв ёришга муҳтож кишиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиш (Бўлим учун масъул – Обидов О.О. Етакчи ташкилот – Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги)						
27.	Тошкент шаҳридаги «Нуроний» касалхонасини қайта ўзгартириш негизида кекса ёшдагиларни, фахрийларни даволаш учун Республика геронтология маркази ташкил этиш.	2005 йил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ибн Сино, «Нуроний» жамғармалари	8,0	Бажарувчилар ва буюртмачилар маблағлари	Тошкент шаҳар ҳокимлиги қарори, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Молия вазирлигининг қўшма қарори.
	Ибн Сино геронтология марказларини тиббиёт аппаратлари, техника,		Ибн Сино ва «Нуроний» жамғармалари	12,0	Бажарувчилар ва буюртмачилар маблағлари	Бажарувчиларнинг тадбирлари. Аҳолига геронтология ёрдами кўрсатишни яхшилаш.

	дори-дармонлар билан таъминлаш.					
28.	Қўйидагиларнинг: ногиронларни реабилитация қилиш барча марказларининг; Андижон ва Самарқанд вилоятларидаги «Саховат» уйлари ҳамда Андижон ва Фарғона вилоятларидаги «Мурувват» уйлариининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттириш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари	300,0 150,0	Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари (Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 31 мартдаги 175-сон қарорига мувофиқ), ҳокимликлар ва ҳомийларнинг маблағлари	Вазирликнинг буйруғи. Ҳокимликларнинг қарорлари. Кексалар ва ногиронларга яшаш шароитлари яратиш ва уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни такомиллаштириш.
29.	Пенсионерлар, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек ногиронларга бепул йўлланмалар ажратиш йўли билан, шу жумладан: Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги санаторийларида — камида 26,0 минг; касаба уюшмалари ва идоравий сихатгоҳларда — қарийб 4,5 минг; Н.А.Семашко номидаги физиотерапия ва курортология илмий-тадқиқот институтида — 0,5 мингдан кўпроқ кишини соғломлаштириш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, корхоналар ва идоралар, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси	1140,0: 620,0 450,0 70,0 0,6	Бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида (620,0), Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва ҳомийларнинг маблағлари	Бажарувчиларнинг тадбирлари. Тегишли контингентни соғломлаштириш.
30.	Ёлғиз, кекса, кам таъминланган оилаларнинг аъзоларидан бўлган кўзи кўрмайдиган беморларни, шунингдек сунъий кўз гавҳари имплантацияси йўли билан меҳнатга лаёқатли ёшдаги ногиронларни катаракта оқибатларидан реабилитация қилиш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги	30,0	Ҳомийлар маблағлари	Вазирликларнинг буйруқлари. Камида 1 минг беморни реабилитация қилиш.
31.	Муҳтож ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация	2005 йил мобайнида	Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги,	758,0 0,8	Бюджет маблағлари доирасида	Ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш.

	қилишнинг техник воситалари билан таъминлаш.		жамоат ташкилотлари, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси		Ҳомийларнинг маблағлари	
32.	«Ортопедик реабилитация» илмий-ишлаб чиқариш корхонасида ва унинг филиалларида протез-ортопедия буюмлари ва ҳаракатланиш воситалари, шу жумладан:	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги	160,0:		Ногиронларни реабилитация қилиш ва уларни жамиятга интеграциялаш.
	камида 200 та болалар протезларининг янги турларини; 2000 тадан зиёд қўлтиқтаёқ ишлаб чиқариш учун янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.			60,0	Бюджет маблағлари доирасида	
	Таянч-ҳаракатланиш тизими патологияси бўлган камида 50 нафар ногиронни ногиронларни реабилитация қилиш Республика марказида йирик бўғимларни эндопротезлаш бўйича операция қилиш.			100,0	Ҳомийлар маблағлари	
33.	Камида 30 минг ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш билан камраб олиш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қизил Ярим ой жамияти Миллий Кенгаши	700,0	Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси ва Қизил Ярим ой жамияти маблағлари	Бажарувчиларнинг тадбирлари.
34.	Ишлаётган ногиронлар, пенсионерлар, ёлғиз ва кам таъминланган хизматчиларни санаторийлар, профилакторийлар ва дам олиш уйларида даволаш ва соғломлаштиришни ташкил этиш, болалар уйлари ва туғруқхоналар, реабилитация марказларига доридармонлар, асбоб-ускуналар ва инвентарлар тарзида оталиқ ёрдами кўрсатиш.	2005 йил	«Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси	600,0	«Ўзкимё-саноат» давлат-акциядорлик компанияси маблағи «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси маблағи	Соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш, ходимларнинг саломатлик даражасини ошириш.
			«Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмаси	248,0		

35.	Касаба уюшмалари сихатгоҳларида, санаторийларида, идоравий дам олиш муассасаларида, шу жумладан камида 125 минг пенсионер ва меҳнат ногиронларини соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этиш.	2005 йил мобайнида	Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар	30 000,0	Бажарувчилар ва ҳомийлар маблағи	Режа-жадвал. Аҳолининг, айниқса пенсионерлар ва меҳнат ногиронларининг саломатлигини мустаҳкамлаш.
36.	Ижтимоий жиҳатдан муҳтож, ёлғиз, кекса кишиларга, пенсионер ва ногиронларга мунтазам равишда кўшимча ёрдам кўрсатиш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла», «Нуроний», «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармалари, корхоналар ва муассасалар, ҳомийлар	500,0	Ҳомийлар маблағи	Бажарувчилар тадбирлари. Муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш (2 ойда камида 1 марта).
37.	Ёлғиз кексаларга, пенсонерлар ва ногиронларга, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига, «Саховат», «Мурувват» ва «Меҳрибонлик» уйларига пул маблағлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, доридармонлар ва кийим-бош бериш йўли билан аниқ йўналтирилган мурувват ёрдами кўрсатиш.	2005 йил мобайнида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Сен ёлғиз эмассан», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний», «Болалар», «Наврўз» жамғармалари, корхоналар, муассасалар ва идоралар	20000,0	Халқаро гуманитар ташкилотлар ва ҳомийлар маблағлари	Бажарувчиларнинг тадбирлари. Муҳтожларни моддий қўллаб-қувватлаш.
38.	Республиканинг барча минтақаларида, шу жумладан пенитенциар тизим муассасаларида сил касаллигига чалинган беморларга барвақт ташхис қўйиш ва уни амбулаторияда даволаш стратегиясини жорий этиш.	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, DOTS маркази	546,0 минг АҚШ доллари	ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал жамғарма, КФВ банки (Германия тараққиёт банки), ГТФ (Доридармонлар бериш глобал жамғармаси)	Сил касаллигига чалинган беморлар ташхиси ва уларни даволаш самарадорлигини яхшилаш.
39.	Тошкент шаҳрида гиёҳванд моддаларни инъекция орқали истеъмол қилувчи ВИЧга чалинганларни ўрнини босадиган терапия билан даволаш бўйича тажриба дастурини амалга ошириш.	2005 йилнинг III чораги	ОИТС ва силга қарши кураш глобал жамғармаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш давлат комиссияси	20,0 минг АҚШ доллари 32,0 минг АҚШ доллари	Бажарувчилар маблағи Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти	ВИЧга чалинганларга тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини яхшилаш. Катта ёшдагилар ва болаларга ихтисослаштирилган нефрология ёрдами кўрсатиш сифатини яхшилаш.

40.	Тошкент шаҳар норкология диспансери негизда детоксикация бўлимини ташкил этиш.	2005 йил мобайнида	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	10,0	Ҳомийлар маблағи	Беморларни соғломлаштириш ва даволашда халқ таъбиридан фойдаланиш.
41.	Тошкент вилоятидаги силга чалинган болалар ва ўсмирларни зарур даволаш-ташҳис ва дори-дармон воситалари билан таъминлаш.	2005 йил	Тошкент шаҳар ҳокимлиги	100,0	Ҳомийлар маблағлари	Сил касалларни соғломлаштириш.
42.	Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат-санитария-эпидемиология назорати марказларини безгакка қарши курашиш учун лаборатория-ташҳис ускуналари, реактивлар, дори-дармон препаратлари, ҳаракатланиш ва алоқа боғлаш воситалари билан жиҳозлаш.	2005 йил мобайнида	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	228,6 минг АҚШ доллари	ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жамғармаси	Безгак ва бошқа паразит касалликлар ташҳиси сифатини яхшилаш ва уларни даволаш.
43.	Ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни зарур дори-дармонлар билан таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.	2005 йил	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги	7000,0	Бюджет маблағлари	Ижтимоий аҳамиятли касалликларга чалинган беморларни дори-дармонлар билан таъминлашни яхшилаш.
44.	Қуйидагиларни: Сурхондарё, Фарғона ва Андижон вилоятларида безгакни; республиканинг барча минтақаларида ВИЧ юққан ва ОИТСга чалинган беморларни барвақт аниқлаш ва даволаш масалалари бўйича мутахассислар тайёрлаш.	2005 йил мобайнида 2005 йил IV чорак	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари	68,5 минг АҚШ доллари 35,0 минг АҚШ доллари	ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш Глобал жамғармаси АКТЭД Буюк Британия	Тиббиёт ходимларининг билимларини ошириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш.
